

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 8-D

Ташкент шаҳри

« 18 » « 01 » 2022 йил

ООО "HEALTHCARE BUSINESS", кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи директор Саимназаров Р.А. номидан, бир томондан ва, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи А.А. Жамшев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Буюртмачига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Буюртмачи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

Table with 8 columns: Item No, Goods Name, Unit, Qty, Price, % KKS, Sum KKS, Total Cost. Row 1: 1, Аминокислоталар (Лозефин раст. для инф. 250 мл.), дона, 125, 53 026, ККС, СИЗ, 6 628 250. Row 2: Жами, 6 628 250,00.

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 6 628 250,00 (Олти миллион олти юз йигирма саккиз минг икки юз эллик) сўм ташкил қилади ККС сиз.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани газначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида конунчилиққа мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 30 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига қелиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофик белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;
- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича

10 - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

#### **4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ**

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун Буюртмачи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдоридан, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдоридан жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, Буюртмачи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи Буюртмачига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи Буюртмачига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда Буюртмачи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз қучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва йдишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

#### **5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил

равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодий судга мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судда кўриб чиқилади.

#### **6. ФОРС-МАЖОР**

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас қуч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлик бажарилишидан озод этилади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кириди ва 2022 йил "31" декабр гача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

ООО «HEALTHCARE BUSINESS»

г. Ташкент, Яшнабадский район,

ул. Эльбек 8.

Р/с 20214000905021593001

ОАКБ "Ўзлсббанк" Мирзо Улуғбекский филиал

МФО: 00399, ИНН: 207 172 654

ОКЭД: 46460

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил:

QIBRAY T. TIBBIYOT BIRLASHMA

INN 201679059 OKONX 91511

YAGONA G'AZNA XISOBVARAG'I

X/R 23402000300100001010

INN 201122919 MFO 00014

100022860272484072100054002

Тел./факс \_\_\_\_\_

х/р\* \_\_\_\_\_

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи \_\_\_\_\_

ОКОНХ \_\_\_\_\_

Ғазначилик бошқармаси номи \_\_\_\_\_

Ягона Ғазначилик х/р \_\_\_\_\_

Банкнинг номи \_\_\_\_\_

МФО \_\_\_\_\_ ОКЭД \_\_\_\_\_

ғазначилик бошқармаси СТИРи \_\_\_\_\_

Рахбар \_\_\_\_\_

(лавозим)

(Ф.И.Ш)

Рахбар \_\_\_\_\_


Саимназаров Р.А

(имзо)

М.Ў.

(имзо)

М.У.





Серия: N -

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни таъминlash вазирлиги

ЛИЦЕНЗИЯ  
УП1992 - сонли

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига

тайёр дори воситалари ва таъбий буюмларини устурак реализация қилиш ни  
амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ушбу лицензия "HEALTHCARE BUSINESS"  
масъулият чекланган жамиятин га берилди.

Жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Элбек  
кўчаси, 8 уй

Сонли тўловчилик идентификация рақами (СТИР):

207172654

Лицензия берилган сана: 26.01.2018

Амал қилиш муддати: 26.01.2023

Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами: 896713

Вазиратли шавс: Б.К. Юсупов

Данная лицензия выдается лицам, осуществляющим деятельность в соответствии с  
Национальным стандартом интерактивных государственных услуг, утвержденным  
исполняющим обязанности Министра Республики Узбекистан от 2017 г. №... Для  
применения информации о лицензиях, выданных в целях осуществления деятельности, перечисленной  
в ней, сайт www.uz.gov.uz и портал государственного управления, либо специализированную  
форму с помощью мобильного устройства. Выявление в соответствии с настоящим  
Кабинетом Министров Республики Узбекистан от 2017 г. №... сведений, содержащихся в  
электронном документе, является нарушением. Государственным органам категорически  
запрещено оказывать в процессе любой электронной деятельности, осуществляемой на Едином  
портале интерактивных государственных услуг.



Furda shav (tadbiqotik kutuyektin) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida


GUVOHNOMA

HEALTHCARE BUSINESS Mas'uliyat cheklangan jamiyat  
"HEALTHCARE BUSINESS" MCHJ

03.03.2014 029992-10 ro'yat raqami yuzur kiritilganligi tasdiqlanadi.

So'z ra'xatining identifikatsiya raqami (STIR) 207172654

Ma'lumot shaklidan jamiyat  
Toshkent shahri, Yashnobod tumani, ELBEK KO'CHASI 8-UY  
Tashkent shahri, Yashnobod tumani, YAGORJA DARCHA jamoatidan  
MASKAZI berilgan



Passport card for Rustam Abdumamatovich Saimnazarov, born 20.03.1985, Tashkent region. Includes photo, signature, and passport details. Handwritten notes: "Kichik Beshya - 179 b" and "03.03.15/2018".



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**

**TOSHKENT VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI**

**QIBRAY TUMANI YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

111200 Qibray tumani, Zebuniso ko'chasi, 1a-uy,

Tel: +(99890) 953-37-80 el.pochta: [qibray-yurmarkaz@adliya.uz](mailto:qibray-yurmarkaz@adliya.uz)

**2022-yil 28-yanvar**

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING  
QONUNCHILIKKA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyiҳaning turi: Shartnoma №8-D

2. Loyiҳaning nomi:

Qibray tumani Tibbiyot birlashmasi bir tomonda, ikkinchi tomonda "HEALTHCARE BUSINESS" MCHJ tomonidan tuzilgan oldi-sotdi shartnomasi.

3. Loyiҳa ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Qibray tumani Tibbiyot birlashmasi hamda "HEALTHCARE BUSINESS" MCHJ tomonidan 2022-yil 28-yanvarda ishlab chiqilgan.

Loyiҳa amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq. Asos: O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I qonuni, O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonuni; O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi "O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi PQ-3953-sonli qarori, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi PQ-3953 sonli qaroriga asosan davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan dori vositalari va tibbiyotda qo'llaniladigan buyumlar Ro'yxati.

**Markaz bosh maslahatchisi**



**N.Maxmudov**